



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 24 ноябрь, № 243 (7201) Шанба

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

«НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ВА НАВОЙ ШАҲРИ АҲЛИГА

Азиз дўстлар!
Сизларни Навой кон-металлургия комбинати ва Навой шаҳри ташкил этилганининг 60 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўтган тарихан қисқа даврда минг-минглаб ишчи ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати туфайли Қизилқум саҳросида ривожланган ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ўзида муҷассам этган, нафақат юртимиз, балки чет элларда ҳам машҳур бўлган замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси қад ростлади.

Комбинатнинг қурилиши ҳудуддаги мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга улкан минерал бойликларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилишини бошлаб берди.

Таъкидлаш жоизки, 60 йил муқаддам бу заминда мазкур сановат мажмуаси негизда бунёд этилган, буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навой номи билан аталган

мамлакатимизнинг энг кўркам ва замонавий шаҳарларидан бири — Навой шаҳри ҳам бугун ўз юбилейни нишонламоқда.

Кон бошқармалари ва йирик сановат объектлари негизда Учқудук, Зарафшон, Нуробод, Заркент ва Маржонбулоқ шаҳарлари барпо этилди.

Замонавий шахарсозликнинг ёрқин намуналари бўлган ушбу масканлар йил сайин оқиб бўлиб, ҳар томонлама раванг топмоқда.

Худудда янги корхоналар қурилувда, жаҳон андозалари даражасидаги технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватлари кенгаймоқда.

Етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланган хариддорчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бериб, бутун тармоқнинг барқарор фаолиятини таъминламоқда.

Бугунги кунда ўзбек олтинининг юқори сифати бутун дунёда эътироф этилгани, мамлакатимиз олтин-валюта захиралари ортиб, иқтисодий

салоҳияти юқсалиб бораётганида ҳам иқтисодиётимиз локомотиви бўлмиш Навой кон-металлургия комбинатининг кўп миллатли меҳнат жамоасининг хизматлари беқийёс.

Олтин, уран, нодир металллар, фосфорит хомашёси кон-ларини ўзлаштириш билан бирга комбинат қурилиш ва дастгоҳ-созлик сановати учун кенг турдаги маҳсулотлар, шунингдек, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқараётгани қувонарлидир.

Гигант корхонанинг кўпмиш тармоқлари ва бутун мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишда фаол иштирок этаётгани таъсирчан сазовор.

Давлатимиз томонидан Навой кон-металлургия комбинатини ҳар томонлама ривожлантиришга бошланган бугунги кунда бутун сифатида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, НКМКни 2026 йилгача

ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд қарийб 30 га яқин йирик инвестиция лойиҳаси босқичма-босқич амалга оширилиб, 30 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Бу йўналишда ҳозирнинг ўзида кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, "Ауминзо-Амантой" олтин руда конини ўзлаштириш ва унинг жадал суръат билан давом эттирилмоқда.

Комбинат негизда ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Навой филиали ҳудуднинг инновацион ва технология тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Хурматли дўстлар!
Мамлакатимизда стратегик ислохотларнинг янги босқичи бошланган бугунги кунда бутун халқимиз, жумладан, комбинат жамоаси ва Навой шаҳри

аҳолиси олдида ғоят муҳим вазифалар турибди.

Хусусан, бу ерда қатор янги юқори технология ишлаб чиқаришлари яратишимиз, рақобатбардор сановат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришимиз, ҳудуднинг улкан табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятини янада тўлиқ рўйга чиқаришимиз лозим.

Навой кон-металлургия комбинатининг юқсак профессионал малакали аҳли ва истеъдодли жамоаси ҳамда бой тажриба ва маҳоратга эга, юртимиз ва халқимизга содиқ Навой шаҳри аҳли ана шундай кенг миқёсдаги вазифаларни муваффақиятли адо этишига ишонаман.

Сиз, азизларга, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги бунёдкорона меҳнатингизда янги зафарлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ВА НАВОЙ ШАҲРИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛГОРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни самарали амалга ошириш ҳамда республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини юқсалтиришда «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ва Навой шаҳри аҳолида ўринга эга.

Мустақиллик йилларида «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси дунёнинг илгор кон-металлургия сановати компаниялари қаторидан муносиб ўрин эгаллаб, минтақадаги энг йирик ва ишончли сановат гигантларидан бирига айланди.

Кўпмиллатли Навой шаҳри аҳолисининг фидокорона меҳнати билан ҳудудда фаолият кўрсатаётган металлургия, ёқилги-энергетика, кимё, енгил сановат тармоқлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида қўлга киритилаётган ютуқ ва марралар республикамизнинг умумий тараққиёт суръатларини оширишда катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юқсалтириш, кон-металлургия сановатини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, мураккаб иш ва иқлим шароитларида ер ости бойликларини самарали ўзлаштириш, тармоқнинг барқарор ишлашини таъминлаш, янги сановат корхоналарини ташкил этиш борасидаги улкан хизматлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжihatлиқни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол гоҳларига садоқат руҳида тарбиялаш, шунингдек, Навой шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлансин:

(Давоми 2-бетда).

Кун иқтибоси:

— Ўзбекистонга бир йил ичида икки марта таширф буюриб, мамлакатда амалга оширилаётган кўламли ислохотлар ҳамда Ўзбекистоннинг минтақавий тараққиётдаги конструктив ролига шахсан гувоҳ бўлдим. Биз Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли ўзаро муносабатларга содиқ эканлигимизни қатъий намён этмоқдамиз.



Федерика МОГЕРИНИ, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиевати бўйича Олий вакили — Европа Комиссияси вице-президенти

Инсон ҳуқуқлари бўйича САМАРҚАНД ДЕКЛАРАЦИЯСИ қабул қилинди

Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми якунланди.

Анжуманининг иккинчи кунда иштирокчилар "Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши, ҳимоя этилиши ҳамда уларга риоя қилинишини таъминлаш масалаларида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги" мавзусини муҳокама қилдилар. Унда халқаро экспертлар соҳадаги тенденциялар, ўз мамлакатлари тажрибаларига асосланган маърузалар билан иштирок этди.

Форум якунида Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Сўз — форум иштирокчиларига

Зариф АЛИЗОДА, Тожикистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман):



Мирзиёевнинг биз, тадбир иштирокчиларига йўллаган табригини диққат билан эшитдик. Унда инсон ҳуқуқлари йўналишидаги эзгу кадрлар ва айтиш пайтда олдимиздаги долзарб, мураккаб вазифалар ҳамда уларнинг ечимларини топиш хусусида алоҳида сўз юритилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ташаббуси билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фаровон ҳаёт шароитларини яратиш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар минтақавий характер касб этмоқда. Бунга мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар яққол мисолдир. Буларнинг барчаси инсон манфаатларига жавоб беради, минтақадаги барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Самарқандда бундай нуфузли анжуманининг ўтказилиши Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси тамойилларига бўлган эътиборини кўнатилади ва Ўзбекистоннинг демократик йўналишда ривожланаётган давлат сифатидаги мақомини янада мустаҳкамлайди.

Навой кон-металлургия комбинати ва Навой шаҳри ташкил топганлигининг 60 йиллигига

Фидойи меҳнатга Юқсак эҳтиром

Ҳар жиҳатдан обод ва ораста шаҳарлар, юқори салоҳиятли ишлаб чиқариш қувватлари халқимизнинг миллий ифтихорига айланган. Ҳеч шубҳасиз, Навой шаҳри ва Навой кон-металлургия комбинати юртимиз учун ана шундай ардоқли кент, муҳим сановат мажмуаси саналади.

Шу маънода, Қизилқум бағрида барпо бўлган ушбу замонавий шаҳар ҳамда корхонанинг бугун олтимиш йиллик юбилейи кенг тантана қилинаётгани дилларга қувонч ва гурур бағишлаётгани айни ҳақиқат. Зеро, замонавий шахарсозлик ютуқлари ва Шарқ меъморчилиги аъналарини ўзида муҷассамлаштирган кент эндиликда нафақат мамлакатимизнинг сановат маркази, балки халқимизнинг улғу бобоқалонимиз сиймосига юқсак эҳтиром сифатида дунёга юз тутмоқда.

Ўтган олтимиш йилни тарққиёт нуқтаи назаридан шартли равишда 33 ва 27 йилга ажратсак, истиқлол шаҳар ҳамда корхона ҳаётида мутлақо янги саҳифа очганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Негаки, барча жабҳа, соҳа ва тармоқларда янгиланиш, такомиллаштириш ҳамда модернизация тадбирлари инсон манфаатлари устуворлигига уйғун равишда кечиб, мамлакат раҳбариятининг истиқболли дастурлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Берилган иқтисодий мустақиллик ва имкониятлар комбинатта халқаро алоқаларни кенгайтириш ва

жаҳон ҳамжамиятининг индустриал ривожланган мамлакатлари ишбилармон доиралари эътирофига сазовор бўлиш, тенг манфаатли ҳамкорликларни ўрнатишда бош омил бўлмоқда.

Юбилей шаҳар ва комбинатнинг олтимиш йиллик тарихи учун ўзига хос сарҳисобки, эришилган ютуқ ҳамда истиқболдаги вазифалар тантаналар доирасида ташкил этилган халқаро конференциялар, илмий-амалий анжуманларда атрофлича муҳокама қилинди.

Байрамнинг асосий тантаналари муҳташам "Фарҳод" маданият саройида бўлиб ўтди.

Вилоят фаоллари, ишлаб чиқариш илғорлари, кочилар, машинасозлар, меҳнат фахрийлари, олим-фузалар, чет эллик ҳамкорлар,

шижоаткор ёшлар жам бўлган ушбу қошоно бу гал ҳар қачонгидан-да, файзли ва тароватли.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Навой кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси жамоаси ва Навой шаҳри аҳлига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг кўп йиллик самарали ва фидойи меҳнатлари учун Ватанимизнинг юқсак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган комбинат ишчи-хизматчилари ҳамда Навой шаҳри меҳнаткашларига мукофотлар тантанали равишда топширилди.

(Давоми 2-бетда).

INTERNATIONAL SOS

Эътироф

Ўзбекистон — Марказий Осиедаги энг хавфсиз давлат

Жаҳонга машҳур "International SOS" ва "Control Risks" компаниялари сайёҳлар учун 2019 йилда дунёдаги энг хавфсиз мамлакатлар номини эълон қилди.

Унга қўра, Ўзбекистон Марказий Осиедаги энг хавфсиз давлат, дея эътироф этилди. Таъкидланишича, юртимизда сайёҳлар учун ҳеч қандай хатар йўқ.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, "International SOS" дунёнинг 92 та давлатида фаолият олиб бораётган ҳамда тиббиёт ва туристик хизматлар кўрсатадиган йирик ташкилот саналади.

Дунёга машҳур компаниялар — Тошкентда

Улар «UzagroExpo — 2018» ва «UzprodExpo — 2018» халқаро кўргазмаларида музокаралар олиб боришди.

Халқаро кўргазма

Ўзбекистон — серқуёш ўлка. Заминимизда етиштирилган ноз-неъматлар, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бетақдор мазаси билан тилга тушган. Шу боис улар жаҳон бозорида ҳам хариддоргир. Булар яхши жиҳат, албатта. Лекин бугун замон шиддат билан ривожланмоқда. Аҳоли кўпайиб, истеъмолат талаби ортапти. Шу маънода, ҳар бир жабҳага янгилликларни изчил татбиқ этиш, илғор ишланмаларни қўллаш, бунинг учун ҳуқуқий асосларни яратиш давр талабига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ва навоий шахрининг 60 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқариш илғорлари ва жамоатчилик фаолларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган sanoat ходими»

Лопатин Юрий Сергеевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси «Мурунтов» кони кончилик-транспорт участкаси бошлиғи
Саматов Карим Джалалович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводи сорбция ва регенерация цехи катта устаси

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Базарова Саодат Джамаловна — Навоий давлат кончилик институтининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Рахматов Исроил Курбанович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши раиси
Урдабаев Норкузи Эгамбердиевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг 5-Кон бошқармаси бош муҳандиси

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Атабаев Бегмат Шерматович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Жанубий кон бошқармаси «Зармитан» кони бошлиғи

Бобокулов Қодир Тошович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг 5-Кон бошқармаси 3-геотехнологик кони бурғилаш ускунаси машинисти
Гафуров Кахрамон Убайдуллаевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводи директори
Руднев Сергей Вячеславович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош геологи
Эшқуатов Холбой Абдиразақович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Жанубий кон бошқармаси «Ғужумсой» кони лаҳимчиси

«Дўстлик» ордени билан

Золотарёв Юрий Петрович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси директори
Ибрагимов Хамдам Мейлиевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси «Мурунтов» кони бурғилаш ускунаси машинисти
Коржиқова Инна Ивановна — Ўзбекистон рус маданият марказининг Навоий вилояти худудий бўлими раҳбари
Муминов Бахритдин Раимович — Навоий шахридаги «Бахт-текстиль» масъуляти чекланган жамияти тасвирчиси
Салахаев Илдар Рахматуллаевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси марказий таъмирлаш механика цехи таъмирловчи-чилангари
Хўжаназаров Рашид Мавлянович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Геология-кидирув экспедицияси бошлиғи
Цой Елена Валентиновна — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг тиббий-санитария бўлими шифокор-кардиологи
Шакарлов Яркин Исмаилович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Жанубий кон бошқармаси директори

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев Махсатжан Муминович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси ташқи сув таъминоти бирлашган энергия хизмати цех таъмирловчи-чилангари
Азизов Каримжан Ганиевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи ўринбосари — бош муҳандиси
Арапбаев Атабек Тайирович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси автомобиль транспорти бошқармаси кон ишларини механизациялаш цехи бошлиғи
Ачилов Темур Қуватович — Навоий шахридаги «Нурчилар» хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкати раиси
Ачилова Шаҳноза Абсаматовна — Навоий кончилик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси
Горбачёв Дмитрий Петрович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг 1-Гидрометаллургия заводи кон бошқармаси «Аристантов» карьеры экскаватор машинисти
Жалилов Исрофил Исламович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводи тайёр маҳсулот цехи қимматбаҳо металл ишлаб чиқариш аппаратчиси
Жилина Валентина Ивановна — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига қарашли 4-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси
Йўлдошев Уткир Уктамович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг кончилик бўлими бошлиғи
Мавлонов Мирсайит Сайдалиевич — Навоий шахридаги «Хаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Мадалиев Хамдам Кенжаевич — «Нуроний» жамғармасининг Навоий шахар бўлими фаоли

Маҳаматов Умар Усмонкулович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси «Шарқий» очиқ усулда қазиб олиш кони экскаватор машинисти
Пўлатов Сирожидин Ғайбуллаевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг 1-Гидрометаллургия заводи кон бошқармаси 3-технологик цехи бошлиғи
Раджабов Санжар Абдуллоевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг ёшлар етакчилари Кенгаши раиси
Расулов Соҳибжон Рахимович — «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг аммиак ишлаб чиқариш навбати бошлиғи
Рахманов Фахриддин Эгамович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси цех бошлиғи ўринбосари
Рахматова Мафзуза Ахмедовна — Навоий вилояти ногиронлар учун минтақавий реабилитация маркази катта ҳамшираси
Тошов Истам Шухратович — «Навоий иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг иссиқлик автоматикаси ва ўлчаш цехи етакчи муҳандиси
Шакулов Нурмурот Исламович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Зарафшон қурилиш бошқармаси 4-автокорхонаси ҳайдовчиси
Шодмонов Алишер Облокулович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига қарашли «Лочин» спорт мажмуасининг дзюдо бўйича мураббийси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 22 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КРЕДИТОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Қонунчиликда белгиланган имконият бўлишига қарамай, банklar ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан автотранспорт воситаларидан бошқа кўчар мол-мулкни гаров сифатида қабул қилиш, шунингдек, гаров предмети қиймати кредит миқдоридан анча кўп бўлса ҳам, навбатдаги гаровни қабул қилиш амалиёти қўлланилмаяпти.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юритишга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2019 йил 1 январдан қуйидаги тартибни ўрнатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин: гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қондириш қардор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда гаров реестрига қардорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритилган санага кўра календарь кетма-кетлигида амалга оширилади. Бунда, ушбу тартиб қардорнинг ҳисоббарағиди пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатига таътиб этилмайди; гаров реестрига қардорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқла-

ри тўғрисида ёзув киритган кредитор-гаровга олувчилар ўз талабларини қондиришда гаров реестрига тегишли ёзувни киритмаган кредитор-гаровга олувчиларга нисбатан устувор ҳуқуққа эга бўладилар;

мол-мулкни харид қилишни уни таъминот сифатида қўйиш эвазига молиялаштирган кредитор гаров реестрига тегишли ёзувни киритган тақдирда, ушбу мол-мулк ҳисобдан ўз талабларини қондиришда устувор ҳуқуққа эга бўлади;

навбатдаги гаровга қўйишга гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш шarti билан аввалги гаровга олувчининг розилигисиз рухсат этилади;

гаровга қўйиш томонидан гаров предмети ижарага беришга гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш ва бу ҳақда гаровга олувчини хабардор этиш шarti билан гаровга олувчининг розилигисиз рухсат этилади.

2. Қуйидагилар:

шартномада ўзгача қоида белгиланган бўлмаса, қардорнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун тақдим этилган мол-мулкдан фойдаланиш ёки уни сотишдан олдин ҳосил ва даромадларга (тушумга) кредиторнинг устувор ҳуқуқи;

лизинг, бўлиб-бўлиб тўлашни назарда тутувчи олди-сотди, ижара ёки бошқа битимлар объекти бўлган ҳамда ушбу битимларда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун қўйилган мол-мулкка (мулк ҳуқуқига) гаров учун белгиланган ундирув қаратиш тартиби;

ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, гаров предмети ёки кредиторнинг мажбуриятлари бажарилишини таъмин-

лаш предмети сифатида қўйилган кўчар мол-мулкка ундирувни қаратишга суд буйруғи институти татбиқ этилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: мол-мулк билан таъминланган мажбуриятни шу мол-мулк қийматидан қоплашнинг мумкин бўлган мажбуриятнинг максимал суммасини кўрсатиш йўли билан аниқлашга рухсат этилади;

мажбуриятлар бажарилишини мол-мулк билан таъминлаш назарда тутадиган битимлар, шу жумладан, гаров шартномаси мажбуриятлар бажарилишининг мулкий таъминоти предмети батифисил баён қилмасдан, уни умумий тавсифлаш орқали, жумладан, алоҳида тоифа бўйича тузилиши мумкин;

гаровга олувчилар ва бошқа кредиторларнинг талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун гаровга қўйилган ҳамда уларнинг талаблари бўйича ундирув қаратилган мол-мулк кредитга, бўлиб-бўлиб тўлашга, лизингга ёки қонун ҳужжатлари билан таққимланган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши, ижарага берилиши мумкин, суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни мажбурий реализация қилиш ҳоллари бундан мустасно.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қардорлиқни қоплаш бўйича талаблар тўғрисидаги ёзувлар гаров реестрига ўз вақтида киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой

муддатда юридик ва жисмоний шахслардан гаров реестрига ёзув киритиш учун, шунингдек, гаров реестридан қўчирма бериш учун ундирилмаган тўловлар миқдорини камида икки баробар камайитиришни назарда тутадиган қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарорнинг норма ва талабларини амалга оширишни назарда тутадиган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритишни ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маъмуриятининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 23 ноябрь

Инсон ҳуқуқлари бўйича САМАРҚАНД ДЕКЛАРАЦИЯСИ қабул қилинди

Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми якунланди.

Адиш АГАРВАЛ, Халқаро ҳуқуқшунослар уюшмаси раҳбари:




— Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми юксак даражада ташкил этилди. Мазкур халқаро анжуманда катнашиб, долзарб масалалар юзасидан баҳс-мунозаралар қилганимиз тадбирнинг аҳамияти нечоғли юқорилигидан далolatдир.

Икки кун давомида инсон ҳуқуқларини таъминлашни кенгайтириш, уни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мослигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратдик.

Гувоҳ бўлганимдек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга қаратилган жадал саяё-ҳаракатлар олиб борилаяпти. Мамлакат Конституциясида эркинлик, дахлсизлик, тенглик ва бошқа имкониятлар кафолатлари ўз ифодасини топган.

Аҳмад Тауфан ДАМАНИК, Индонезия инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияси раиси:



— Инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан шугулланганидан ташкилотлар, комиссиялар ва мутахассислар Марказий Осиёдаги ҳамкасблари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Индонезияда сўнгги йилларда амалга оширилган чукр демократик ислохотлар доирасида фуқаролар учун эркинлик ва ижтимоий-иқтисодий кафолатларни таъминлаш масаласида ислохотларни жиддий илгари суришга эришилди. Бу борада тегишли ҳуқуқий-ташкилий ҳужжатлар қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми фуқаролар эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлаш соҳасида кенг миқёсда ўзаро конструктив фикр алмашиш, ҳамкорлик қилиш механизмлари ҳамда ваколатларини такомиллаштириш бора-бора мулоқот қилиш имконини берди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини такомиллаштириш бўйича янграган фикрлар ва маърузалар инсон ҳуқуқлари фаолияти учун янги уфқлар очди.

«Халқ сўзи» мухбирлари Саиджон МАХСУМОВ, Умид СОРНОВ ёзиб олди.

Фидойи меҳнатга юксак эҳтиром



Байрамнинг бадий қисмида республика санъат усталари ҳамда вилоят бадий ҳаваскорлик дасталари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди. Турли миллат ва элат тилларида янграган наволар, ҳар бир қўшиқ ҳамда рақс руҳидаги кутлов ва ифтихор дилларга олам-олам ғурур ҳисларини жо айлади, десак, асло муболага эмас. Зотан, овоз юрда, обод масканда истиқомат қилиш, фаровон турмуш кеңириш, ўз тармоқларида санъатнинг юксак технологиялари ҳамда сафларида малакали кадрларни жамлаган корхонада меҳнат қилиш катта имконият, улкан бахтдир.

Қутлуг сана муносабати билан уюштирилган тадбирлар, тантаналар, тақдиротлар қўла-қўла билан бағридаги барча шахару кишлоқларга ёйилиб, озиқ-овқат ва кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари, амалий санъат, қандолатчилик маҳсулотлари кўргазмалари намойишлари ташкил этилди. Айниқса, Навоий шахри ва НКМК тенгдоши бўлган Учқудук-



да у кенг миқёсда тантана қилиниб, шахар аҳли қурувчилардан мутлақо янги қиёфа касб этган «Кончи» профилактикарийсини қабул қилдилар. Жанубий кон бошқармасига қарашли «Ғужумсой» конида чуқурлиги 500 метр бўлган шахта, 5-кон бошқармасининг геотехнологик қонида нобб ва ер элементлари — ре-

ний ишлаб чиқариш бўлимлари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Нуробод шахарчасида 2-сонли «Қўзумчоқ» мактабга таълим муассасаси байрам совғаси сифатида тўхфа этилган бўлса, Зомин тоғлари бағридаги пансионатда бунёдкорлик ишлари нихоясига етказилмоқда.

Мирсайит МАВЛОНОВ, «Хаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси,

— Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг манфаатини таъминлаш, унинг яшаш фаровонлигини ошириш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада биз, фуқаролардан ҳам мамлакат рав-

нақиға ҳисса қўйиш йўлида ғайрат-шижоат талаб қилинади. Шунинг учун мён бугунги мукофотни эътироф билан бирга, юксак ишонч ва масъулият сифатида қабул қилдим.

Сергей РУДНЕВ, Навоий кон-металлургия комбинати бош геологи,

«Меҳнат шухрати» ордени соҳиб:

— Байрамга биз, геологлар ҳам муносиб тўхфа билан келдик. Яъни «Мурунтов» кони захира-ларини тадқиқ этиб, унинг истиқболлари бўйича ижобий хулосаларимизни бердик. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбари 2026 йил-

да у кенг миқёсда тантана қилиниб, шахар аҳли қурувчилардан мутлақо янги қиёфа касб этган «Кончи» профилактикарийсини қабул қилдилар. Жанубий кон бошқармасига қарашли «Ғужумсой» конида чуқурлиги 500 метр бўлган шахта, 5-кон бошқармасининг геотехнологик қонида нобб ва ер элементлари — ре-

ний ишлаб чиқариш бўлимлари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Нуробод шахарчасида 2-сонли «Қўзумчоқ» мактабга таълим муассасаси байрам совғаси сифатида тўхфа этилган бўлса, Зомин тоғлари бағридаги пансионатда бунёдкорлик ишлари нихоясига етказилмоқда.

Навоий олтинчи биринчи ёшнинг яна бир туни, осууда оқшомида ҳар қачонгидан-да, тароватли ва мафтункор кўриниш касб этди. Байрам муносабати билан уюштирилган лазер шоу ва мушакбозликлар навики шахар осмони, балки ҳар бир навоийлик ҳамда қўйди. Мана шундай салохият ва қудратга эга халқимиз азму шижоати билан жонқажон Ватанимиз жакон қончилигида биринчи ўнликдан жой эгаллаб турибди. Шу билан бирга, биз ўтмишимиз билангина эмас, балки бугунимиз билан ҳам факрланганимиз ва шунга лойиқ эканлигимизни англамоқдамиз.

Навоий олтинчи биринчи ёшнинг яна бир туни, осууда оқшомида ҳар қачонгидан-да, тароватли ва мафтункор кўриниш касб этди. Байрам муносабати билан уюштирилган лазер шоу ва мушакбозликлар навики шахар осмони, балки ҳар бир навоийлик ҳамда қончилар кўнглини эзгулик ва шукроналик ёғдуларига лиммо-лим этганлиги, шубҳасиз.

Темур ЭШБОВ, Азамат ЗАРИПОВ (сурат), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Уй-жойлар масаласи:

Қурилиш сифати ва муддатига ким жавоб беради?



Уй-жой таъминоти ва умуман, янги қурилган уйлар сифати масаласи — жойларда аҳоли томонидан кўтарилган энг долзарб ҳамда соҳада ечимини кутаётган кўплаб муаммолар қайд этилган мавзулардан. Аҳолининг эътирози қанчалик асосли? Бугун қурилатган замонавий иншоотлар, арзон уй-жойлар ва уларнинг таъминоти масаласида кимлар масъул?

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг навбатдаги йўналишида айнан шу саволлар ўртага ташланди. Унда Шаҳарсозлик кодексининг тегишли нормалари ижроси ҳолати ҳамда Тошкент вилояти мисолида фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг сифати масалалари бўйича ўрганишлар натижалари муҳокама қилинди.

Бошланмагани, умуман, хонадонларнинг қурилиши белгиланган муддатлардан анча ортада қолаётгани таъкидланди. Депутатлар тақлиф этилган мутасаддилардан бунинг сабаблари ҳақида сўрашди. — Айнан шу масала бизни ҳам кўп жиҳатдан ташвишга солмоқда, — дейди Тошкент вилояти ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Санжар Юсупов. — Маҳалладан кам таъминланган оила сифатида арзон уйга тавсиянома олиш учун муружаат қилган оила бошлигининг ойлик иш ҳақи 1 миллион 600 минг сўмдан кам бўлиши керак. Энди у ҳужжат тайёрлаб йўланма билан банкка борса, банк оиланинг тўлов қобилияти етмайди, деб кредитга пул бермайпти. Уларнинг бошлангич тўловини тўлиқ амалга ошириш ишлари кечикаётгани молиялаштиришни орта сурмоқда. Айрим ҳолларда эса ариза топширилган тўловни амалга оширишнинг бош тортяпти. Кейинчалик эса уй

даъвоси билан муружаат қилишарди. Банклар ихтимойи химога муҳтасабларга жавоб беришмайди, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар белгиланган муддатларда қуриб битказилмаяпти. Кўпгина жойларда эса шашма-шошарлик билан сифатсиз қурилган, шунингдек, қурилиш материалларидан белгиланган меъёрлар асосида фойдаланилмастик ҳолатлари кўзга ташланмоқда.

замонавий талабларга жавоб беришмайди ва замонавий ахборот базаси билан жиҳозланиши ҳамон етарли эмас, илгор хорижий тажриба сусти жорий этилмоқда. Тармоқ учун зарур малакага эга кадрлар тайёрлашда оксоқлик кузатилаётгани лойиҳа махсулотлари сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани айтилди. Бундай ҳолатларга нисбатан жиддий назорат олиб бориш, камчиликларга йўл қўйган мутасаддиларга кам нисбатан чоралар қурилгани таъкидлангани ҳолда, назорат қилувчи ва қурилиш объектларини қабул қилиб олувчиларнинг ҳам масъулиятсизлиги айтиб ўтилди. Мутасаддилар қурилиш учун танланган массивларнинг географик ўрни, мутасадди идоралар томонидан қурилиш материалларининг имтиёзли нархларда етказиб берилмаётгани, унинг бориши ус-

тидан давлат техник назорат етарли даражада йўлга қўйилмагани тўғрисидаги муаммоларни ҳам ўртага ташладилар. Уларни ҳал қилиш тизимли ёндашув ва замонавий инновацияларни талаб этиши таъкидланди. — Арзон уй-жойлар қурилиши учун замонавий инфратузилма талаб этилади, бу ҳам Давлат бюджетидан ортиқча маблағ сарфланиши демакдир, — дейди Тошкент вилояти ҳокимлиги бош мутахассиси Бобур Давлатов. — Ҳар бир туманда муниципал уйлар қуриш мақсадида мувофиқ. Бу тўлов қобилияти етарли бўлмаган аҳоли учун айни муддаодир. Унинг биринчи қаватини ногиронлиги бўлган шахслар, иккинчи қаватда кам таъминланган оилалар, кейинги қаватларда эса ҳокимият уй билан таъминлаш зарур бўлган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига берилиши лозим, назаримизда. Фақат мазкур тураржойда яшаш ҳуқуқи маълум бир муддатга берилади. Давлат уларни қўллаб-қувватлаб, ўзининг уй-жой олиши учун имконият яратди. Тадбир якунида билдирилган барча фикрлар умумлаштирилиб, қўмига қарори қабул қилинди.

Муниҳсон КАРИМОВА.

Хамкорлик

Ўзбек ҳамда тожик халқлари азалдан дўст ва қонқариндosh. Маданияти, урф-одатлари яқин, эътиқоди ягона бу халқларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Бу яқинлик бугун давлатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳам ўз ифодасини толмақда. Икки давлат раҳбарларининг узокки кўлаб жўритаётган сиёсати натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ўртасида барча соҳада ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди.

Дўстлик алоқаларининг КЕНГ УФҚЛАРИ

Шу йилнинг август ойда Тожикистон Республикаси Президентининг мамаклатимизга давлат ташрифи доирасида икки давлат ўртасида Кўша баёнот ва Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, турли соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга оид муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик битими ҳам ана шулар сирасига ки-ради.

Мехмонлар "Афросиёб" тевзорар поездида Бухоро шаҳрига йўл олди. Қадим кентда улар Бухоро вилояти касаба уюшмалари фаоллари билан учрашди. Вилеяда тармоқ ва фаолияти билан таништирилиб, шу юзасидан батафсил маълумот берилди.

Жамоа шартномалари орқали жорий йил 9 ойда:

- ✓ 173 минг нафардан ортиқ фуқаролар ва 45,6 мингдан зиёд ошларга 70 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди.
✓ Кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган ошларнинг 49 минг 364 нафар фарзандига қарий 4,5 миллиард сўмлик ўқув қуроллари берилди.
✓ 5 минг 500 нафардан ортиқ ёш болали аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда, иш вақти Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Фе-

дерацияси делегацияси юртимизга ташриф бурди. Мехмонлар Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги "Ойбек" чегара постида тантанали кутиб олинди. Шундан сўнг делегация аъзолари "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖга ташриф бурди, корхонада ходимлар учун яратилган шароитлар, имтиёз ва кафолатлар билан танишди.

"Ўзбекистон ва Тожикистон касаба уюшмалари ўртасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, маданий ва оммавий ишлар, соғломлаштириш ва дам олишни ташкил қилиш, ташкилотларнинг ташкилий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларида тажриба алмашиш" мавзусида семинар ўтказилди.

Тадбирда меҳмонлар Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси фаолиятидаги инновация ёндашувлар ҳамда "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ ходимлари учун муносиб меҳнат шароитлари яратишда маълуми ва касаба уюшма кўмитасининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳудудий келишувлар, меҳнат жамоаларида жамоа шартномалари орқали турли соҳа ходимлари, уларнинг оила аъзолари ихтимойи химоясини таъминлаш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, бандликка кўмаклашиш каби қатор йўналишларда олиб борилаётган тизимли ишлар билан таништирилди.

Пойтахтимида Тожикистон ва Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари учрашуви бўлиб ўтди. Юртимизда ходимлар ҳамда илтимойи аъзолари кучайтириш ва меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Бу борада иш берувчилар ва касаба уюшма кўмиталари ўртасида тузилган жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этаётганига ургу берилди.

Учрашувда икки мамлакат касаба уюшмалари ўртасида меморандум, келишув ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Мехмонлар пойтахтимидаги диққатга сазовор жойлар билан ҳам танишдилар.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дунёга машҳур компаниялар — Тошкентда

Улар «UzagroExpo — 2018» ва «UzprodExpo — 2018» халқаро кўргазмаларида музокаралар олиб боришди.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг "Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси" иштирокида "Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари илгор ишланмалари жой олди.

Бундан бир неча йил аввал Тошкент вилоятида "SN Invest" компаниясига асос солгандик, — дейди хитойлик ишбилармон Донг Шунки. — Утган вақт мобайнида Самарқанд ва водий вилоятларида унинг фили-



алларини ташкил этдик. Биз, асосан, Хитойдан қишлоқ хўжалиги техникалари олиб келиш ҳамда уларга сервис хизматлари кўрсатиш билан шуғулланамиз. Кўргазмаларда ана шу техникаларимизни тақлиф қилдик.

Халқаро кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги, Инновация ривожланиш вазириликлари, "Ўзбекизонқовкатхолдинг" холдинг компанияси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва тормоққа ер эгалари кенгаши томонидан ташкил этилди.

Дилшод УЛУМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири. Динара ЧИРКОВА олгон суратлар.

КИМДИР ТИРНОҚҚА ЗОР, УНИ СОТИШГА ТАЙЁР

Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, таълим олиш, эркин ва дахлсиз яшаш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда жуда кўп гапирамиз. Лекин умумэтироф этилган ушбу ҳуқуқларга "кишан" солаётган, энг ачинарлиси, ўз боласининг ҳуқуқини поймол қилиб, гулдек умрига зомин бўлаётганлар ҳам йўқ эмас.

Аслида катталар, аввало, ота-оналарнинг фарзандларига ғамхўрлик қилиши, меҳр бериши ҳар бир бола учун катта бахт. Бироқ минг афсуски, ҳамма ҳам бундай бахтдан баҳраманд эмас. Болани бир буюм санаб, ўзгаларга сотиш фикрида юрганлар, жазм қилиб ушбу жирканч ишга қўл урганлар ораимизда топилди.

Халқаро статистик маълумотларга кўра, бугун дунё бўйича одам савдоси қурбонларининг 30 фоизини айнан болалар ташкил этаётгани ҳам ташвишланарли, албатта. Ҳозирги кунда глобал муаммога айланган одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, унинг илдиэ отишига чек қўйиш ва оқибатларини бартараф этиш юзасидан мамлакатимизда чора-тадбирлар қўриляпти.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида болалар савдоси, миллатимизга иснод бўладиган ана шундай жиний ҳолатлар фoш этилиб, мурағ қалбларинг тақдирига бўлган таҳдидларнинг олди олинмоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази Берган маълумотларга қараганда, шу йил департаментнинг Мирзо Улуғбек тумани ва Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари чақалогини пул эвазига ўзгага сотаёт-

энг ширин даврида ундан воз кечмоқчи бўлди. Албатта, шунчаки эмас, мўмай маблаг эвазига. Ёқубова боласини сотиб олмақчи бўлган шахсдан 1 000 АҚШ доллари олаётган вақтда кўлга тушди.

15 миллион сўм. Фуқаро А. Қосимова 5 яшар ўғлини шунча сўмга баҳолаганига нима дейсиз? Боғчадан олиб кетишга бориғанда, бағрига отилиб чиқадиган кўзининг оқу қорасини у сонгини бегонанинг кўлига тутқазди. Олиб борилган тезкор тадбир натижасида Олмазор туманида жойлашган "Арк" кафеси олдида ушбу жиний ўз вақтида фoш этилди.

Департаментнинг Яқкасарой тумани бўлими ходимлари эса бўйи чўзилиб, онасига дастёр бўлиб қолган қизини сотиб юбормоқчи бўлган Г. Уткировани машўм йўлдан тўхташиб қолди. 11 ёшга тўлган фарзандини сочларини ўриб, унга одоб-ахлоқдан сабоқ бериш ўрнига, 25 миллион сўмга сотиб юбормоқчи бўлган она ашвейи далиллар билан кўлга олindi.

Фарзанд — олий неъмат, уларнинг ҳар бири бу дунёга ўз ризки билан келади. Насибасини "қирқини", ҳуқуқларидан мусово этишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундай жирканч ишга қўл урганлар эса, албатта, қонун олдида жавоб бериши мажбур.

Р. ОТАМУРDOV.

Бунёдкорлик

Пуллиқ йўл барпо этиладими?

Жиззах вилоятига Италиянинг "Todini Costruzioni Generali" компанияси мутахассисларидан иборат делегация ташриф бурди.

Мазкур компания вакиллари Тошкент — Самарқанд автомагистраль йўналиши бўйича М-39 трассаси ёнида жаҳон стандартларига жавоб берадиган пуллиқ автомобиль йўлини қуриш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Шу мақсадда меҳмонлар билан бунёдкорлик ишлари ва унга мутахассисларни жалб қилиш масалалари муҳокама этилди.

— Пуллиқ йўлнинг маълум қисми вилоятимиз ҳудудидан ўтади, — дейди Жиззах вилояти аҳоли хонадонларига мўлжалланган, балки газда ҳаракатланадиган автотранспорт воситаларида хавфдан оғоҳ этиш махсус қурилма ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Буларнинг барчаси инсон ҳаётини ис газ ва шу билан боғлиқ турли хатарлардан асраш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Толбжон ЭРҒАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИС ГАЗИНИ АНИҚЛОВЧИ ҚУРИЛМА ЯРАТИЛДИ


Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўтказилган тадбирда маълум қилинди.

Қайд этилганидек, республикамизда ис газидан захарланиш билан боғлиқ турли кўнгилсиз ҳодисалар, афсуски, тез-тез рўй бериб турибди. Яратилган қурилма эса шундай ҳолатларнинг олдини олишда ёрдам берувчи қўшимча восита сифатида эътироф қилинди. Ҳўш, қурилманинг афзалликлари ниманда? Ундан қандай фойдаланилади?

туфайли метан, пропан ва бошқа ис газлари сизиб чиқадиган бўлса, қурилма автоматик равишда ишга тушиб, хонадон эгасини сигнал ёрдамида хавфдан оғоҳ этади. Қолаверса, ис газ пайдо бўлган пайтда уйда ҳеч ким бўлмаса, қурилманинг ўзи инсон иштирокисиз газни тармоқдан ўзи, хавфни бартараф қилади.

Мутахассислар қурилманинг яна бир қатор афзалликларини санаб ўтишди. Хусусан, электр энергиясига уланган ҳолда ишлайдиган ушбу технология электр қувватини ўзида жамлай олади. Бу эса унинг электр энергияси тизимидан узилган ҳолда ҳам 24 соат ишлашини таъминлайди.

Айни пайтда ис газидан оғохлантирувчи мингта яқин ана шундай воситалар ишлаб чиқарилган бўлиб, дастлаб уларнинг 20 таси Тошкент шаҳар ИИББ объектларига ўрнатилиб, синхрондан ўтказилмоқда. Келгусида ундан аҳоли хонадонларида ҳам кенг фой-



даланиш мақсадида мувофиқ экани таъкидланди. Қурилманинг нархи 195 минг сўм атрофида.

Дарвоқе, бугунги кунда нафақат аҳоли хонадонларига мўлжалланган, балки газда ҳаракатланадиган автотранспорт воситаларида хавфдан оғоҳ этиш махсус қурилма ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Буларнинг барчаси инсон ҳаётини ис газ ва шу билан боғлиқ турли хатарлардан асраш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Р. ШЕРҚУЛОВ.

ЭЪЛОНЛАР

«Асака» банки
банк корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш мақсадида мазкур фаолият тури билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.
Танловга Акциядорлик жамаиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига белгиланган ташкилотлар тақлиф этилади.
Танловда иштирок этиш учун тақлиф хатига қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:
— ариза;
— корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш муддати, дастлабки қиймати ва бошқа муҳим бўлган маълумотлар кўрсатилган тақлиф;
— давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, лицензия, малака сертификати ва аттестат нусхалари.
Тақлифлар 2018 йил 3 декабрга қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй.
Банк учун энг қулай шарт-шароитларни тақлиф этган иштирокчи танлов ғолиби, деб топилади.
Маълумот учун телефонлар: 78-120-82-95, 78-120-82-93. Хизматлар лицензияланган.

«Асака» банки
«Ўзавиализинг» МЧЖ, «O'zmarkazimpex» АЖ, «O'zneftmahsulot» АЖ, «Чилонзор буюм бозори» АЖ, «O'zbekGeofizika» АЖ ва «Ўзинвестлоиҳа» МЧЖ устав жамғармасидаги «Асака» банки улущини бозор қийматида баҳолаш ва келгусида сотиш мақсадида баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.
Танловда иштирок этиш истагида бўлган ташкилотлар 2018 йил 3 декабрга қадар «Асака» банкига (100015, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67-уй) қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:
— баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия нусхаси;
— давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;
— устав ва уставга киритилган барча ўзгартриш ҳамда қўшимчалардан нусха;
— ўрнатилган тартибда лицензия берувчи орган томонидан ташкилот раҳбарига ва фаолият жўритаётган баҳоловчиларга берилган сертификат нусхаси;
— баҳоловчи ташкилот тўғрисида маълумот (профессионал фаолият жўритаётган муддати, баҳолаш фаолиятидаги тажрибаси ва б.);
— баҳолашни ўтказиш муддати ва хизматлар нархи кўрсатилган тижорат тақлифи.
Маълумот учун телефонлар: 78-120-82-95, 78-120-82-93. Хизматлар лицензияланган.

Таълим тизими:

Муаммоларга битта ташкилот ҳаракати билан ечим топиб бўлмайди

Ёшларга пухта билим бериш, касбга йўналтиришда ўқув муассасалари ва у ерда фаолият юритадиган педагогларнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис таълим тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, сўнгги йилларда бу борада жуда катта ишлар амалга оширилди.

Бироқ мазкур соҳани қисқа муддатда кескин ривожлантириб бўлмастаслиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг учун, аввало, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ўрганиш, уларни туман, вилоят ва республика кесимида босқичма-босқич ҳал қилиш чораларини кўриш лозим.

Долзарб мавзу

Ўш, бугунги кунда соҳада қандай муаммо ҳамда камчиликлар кўзга ташланмоқда ва улар қай даражада ҳал этиляпти? Умуман, халқ таълими тизимида қачон туб ўзгаришлар юз беради? — Бугунги кунда республикамиздаги 10 мингга яқин умумтаълим мактабларида ярим миллионга яқин педагог-ҳодимлар меҳнат қилади, 5,5 миллион нафардан зиёд ўқувчилар тахсил олади, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Умаров. — Таълим сифатини ошириш учун, аввало, мактабларда талаб даражасида шароит яратиш, ўқув жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш зарур ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, биз дастлаб долзарб муаммолар рўйхатини тўзиб чиқдик.



Президентимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, кейинги ўқув йилидан халқ таълими тизимига тегишли бўлган барча маънавий ишлар Халқ таълими вазирлиги бошқарувида амалга оширилишини таъкидлади. Мазкур механизм амалиётга жорий этилса, мактаблар ўз вақтида, режа асосида сарфланишини вазирлик таъминласа, муаммоларга ўрин қолмайди, деб ўйлайман.

Ўқувчилар сони ортимоқда, мактаблар-чи?

Маълумотларга кўра, 2016 йилда Давлат бюджетидан тизимга 9 триллион сўм, ўтган йили 10 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Жорий йилда эса 11,76 триллион, 2019 йилда 18 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Бу рақамларга бежиз тўхталмадик. Чунки таълим жараёнини замонавий тенденциялар асосида ташкил этиш молиявий-иқтисодий омилларга боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу жиҳатдан, халқ таълими тизимига Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар таълим сифатини ошириш учун етарлими ёки йўқ?

— Мактабларда таълим сифатини яхшилаш учун уларнинг моддий-техника базасини тубдан яхшилаш лозим, — дейди халқ таълими вазирининг ўринбосари Отабек Назиров. — Бу эса янада кўпроқ маблағ талаб қилади. Тахлилларга қараганда, охириги 15 — 20 йил ичида мактаб биналарида носозликлар кескин кўпайган. Ҳар йили атиги 300 га яқин мактабларда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган. Аслида эса бу рақам 1000 дан ортиқроқ бўлиши керак. Шу нуктага назардан олганда, ўтган йиллар мобайнида мактаб таълими учун йўналтирилган маблағлар халқ таълими тизимини ривожлантириш учун етарли бўлмаган. Бу йил август-сентябрь ойларида таъмирталаб мактаблардан 1600 тасини ўз ичига олувчи рўйхатни шакллантирдик. Ҳисоб-китобларимизга кўра, уларни таъмирлашга 4,5 триллион сўм маблағ зарур. Бунинг бир вақтда амалга ошириш учун бюджетдан шунча пул ажратиш қийин масала. Шу боис ҳар йили 500 — 600 та мактабни таъмирлаш ва реконструкция қилиш тақдирга тўхташди.

— Ўқувчилар сонининг ортиши, табиийки, қўшимча умумий ўрта таълим муассасаларини қуришни талаб қилади, — деб қўшимча қилди Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари. — Тахлилларга эътибор қаратсак, бугун республика бўйича бир сменалик таълимга ўтиш учун 2 628 та янги ўқув муассасаси қурилиши лозим. Шунда ўқувчиларнинг ўз устида ишлашига, дарсдан кейин қўшимча машғулотлар ўтишига, ўқувчиларнинг билими ошишига имконият туғилади. Чунки болалар эрталаб фанларни яхши ўзлаштиради, миёси маълумотларни яхши қабул қилади. Қолаверса, ўқувчилар уйга қоронғида қайтишларида барҳам берилади. Аммо бунча мактабни қуриш учун ҳам катта маблағ керак. 2011 йилдан шу кунгача, бор-йўғи, 115 та янги мактаб қурилган, холос. Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларининг ўқувчиларни қабул қилиш имконияти турлича. Уларнинг барчаси ҳам ўз қувватига яраша ишлаётгани йўқ. Бунинг ечими учун иккита йўл тутиляпти. Биринчиси, ўқувчилар сони белгиланганидан ортиб кетган мактаблар билан ўқувчи кам бўлганларини мақбуллаштириш, яъни "тармоқлар" тизими қўлланиляпти. Иккинчидан, мактабга айлантирилиши керак бўлган 700 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей рўйхати шакллантирилди. Агар уларнинг биналари ичидига воситалар билан бирга мактабларга берилса, муаммолар ечимига йўл очилади.

— Давлат-хусусий шериклиги асосидаги мактаблар қурилиши ҳам долзарб масалалардан биридир, — дейди халқ таълими вазирининг ўринбосари Сарвар Бобоҳўжаев. — Айни пайтда республикадаги 9 628 та мактабнинг 85 тасига хусусий. Пойтахтнинг ўзида 35 та ана шундай таълим муассасаси бор. Уларнинг техника базаси, ўқувчиларга берилаётган олийкитоблар, ўқитиш технологиялари ҳам анча юқори. Шу боис давлат-хусусий шериклиги асосида мактабларни қуришга катта йўл очиб берилди. Лекин хусусий муассасалар "таълим бизнеси"га айланиб кетиши керак эмас. Белгиланган тартиб-қоидалар асосида ишлаши лозим. Шунда қутилган самарага эришилади.

Вазирлик мутасаддиларининг таъкидлашича, бугун аксарият мактабларга интернет кириб бормас. Кўплаб таълим муассасаларининг кутубхоналари фаолиятини яхши йўлга қўйилмаган. Спорт майдончаларининг аҳоли билан ҳам мактана олмайдими. Шу боис жорий йил якунига қадар вилоятлар марказларидаги умумтаълим мактабларига тезли-

чи 10 мб/с дан юқори бўлган интернет етказиб борилади. Келаси йил охиригача туман марказларидаги, 2020 йилдан бошлаб республикамиздаги барча мактаб интернет тармоғига уланади.

Бундан ташқари, мактабларнинг қарийб 40 фоизиди очик спорт майдончалари мавжуд эмас. Мавжудлари ҳам ўта ачинарли ҳолатда. Айни сабабдан ажратилаётган маблағларнинг бир қисми очик ва ёпиқ спорт майдончаларини ривожлантириш, спорт залларини зарур инвентарлар билан жиҳозлаш мақсадларига йўналтирилди.

— Ўқув дарсликлари етишмовчилигини бартараф этиш бўйича, 2020 йилдан бошлаб республикамиздаги барча мактабларда рус тилига иختисослаштирилган мактабларда ўқитилганда, кейин 5-синфдан ўзбек мактабларига кўчирилади. Тўғри, ота-оналар муассасаларда дарсликлар танни қилишни вужудга келтириштириш, баъзиларида эса аксинча. Ушбу камчиликлар чуқур таҳлил асосида қайта кўриб чиқилапти.

она "Болам энг биринчи партада ўтирсин", деб ўқитувчисига яхшироқ совға беради. Бир синфда ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги мунозарга ўзим дуч келганман. 3-синф ўқувчиси "Сиз мени атайин орқага ўтказасиз, чунки мен олиб келган "шоколад қоробкаси" кичикроқ, синфдошимнинг дадаси эса сизга планшет берган", деди. Қаранг, буни бола сезапти, билапти. Бу совға-саломлар ота-оналар томонидан қимўзарга айланганга ҳам раст. Мана, сизга коррупциянинг бошланиши ва ошқора кўриниши.

Иккинчидан, авваллари мактаб директори 10 августга қадар мактабни янги ўқув йилига тайёр қилиб топширмас, чора кўрилар эди. Буни амалга ошириш учун пули бўлмаса, ўқитувчиларни "бурайд", ўқитувчилар эса ота-оналарни. Буларнинг олдини олиш учун, авваломбор, тизимда молиялаштириш ишлари тўғри йўлга қўйилиши керак. Шу билан бирга, кенг жамоатчилик маҳалла фаоллари ва бошқалар мактабларга ёрдам бериши, қисқаси, порахўрлик қарши ҳаммамиз қатъий куч-қаршишимиз зарур.

Биз халқ таълими тизимидаги

малакаси, дарсларга интерфаол усул ва методларни қўллаш олиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Бугунги педагогларимиз ушбу талабларга жавоб бера оладими? Уларнинг савияси қай даражада? Ўқитувчилар шиддатли замон ўзгаришларига АКТ технологияларидан фойдаланишга, умуман, кескин янгиланишларга тайёрми?

— Сир эмас, йиллар давомида ўқитувчиларимиз ўзибўларчиликка берилиб, дарс ўтсам бўлди, деган эскича қарашда ишлаб юрган эди, — дейди Олий Махлис Қоңунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Шўхрат Баёров. — Энди ўқитувчилар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш бўйича ишлар бошланди. Педагог ҳозирги замон талабларига жавоб берадими, деган саволга жавоб берадими, ўз хоҳиши билан жойини малакали мухассисларга бўшатиб беришга мажбур.

Бежиз уларнинг олийкитобларини кўтариш учун катта миқдорда пул ажратилаётгани йўқ. Яратилган шароитга жавобан муаллимлардан ҳам фидойий меҳнат талаб қилинади. Эртага улар фаолияти вазирлик ёки бошқа таълим ташкилотлари томонидан рейтинг қилинади. Ўқувчиларнинг ўзлари ўзларига ҳолис баҳо бериши бошланади. Умуман, шу соҳада фаолият юритадиган, деган педагог ўз устида ишлаши, замон билан ҳамнафас юриши ва албатта, АКТ технологияларидан бемалол фойдалана оладиган бўлиши лозим. Давр талаби ҳам шу.

Қисқаси, юртимизда Президентимиз таъаббус билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиши керак. Эртага улар фаолияти вазирлик ёки бошқа таълим ташкилотлари томонидан рейтинг қилинади. Ўқувчиларнинг ўзлари ўзларига ҳолис баҳо бериши бошланади. Умуман, шу соҳада фаолият юритадиган, деган педагог ўз устида ишлаши, замон билан ҳамнафас юриши ва албатта, АКТ технологияларидан бемалол фойдалана оладиган бўлиши лозим. Давр талаби ҳам шу.

Қисқаси, юртимизда Президентимиз таъаббус билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиши керак. Эртага улар фаолияти вазирлик ёки бошқа таълим ташкилотлари томонидан рейтинг қилинади. Ўқувчиларнинг ўзлари ўзларига ҳолис баҳо бериши бошланади. Умуман, шу соҳада фаолият юритадиган, деган педагог ўз устида ишлаши, замон билан ҳамнафас юриши ва албатта, АКТ технологияларидан бемалол фойдалана оладиган бўлиши лозим. Давр талаби ҳам шу.

Қисқаси, юртимизда Президентимиз таъаббус билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиши керак. Эртага улар фаолияти вазирлик ёки бошқа таълим ташкилотлари томонидан рейтинг қилинади. Ўқувчиларнинг ўзлари ўзларига ҳолис баҳо бериши бошланади. Умуман, шу соҳада фаолият юритадиган, деган педагог ўз устида ишлаши, замон билан ҳамнафас юриши ва албатта, АКТ технологияларидан бемалол фойдалана оладиган бўлиши лозим. Давр талаби ҳам шу.

ТИЗИМДАГИ АСОСИЙ МУАММОЛАР:
Хозирги кунда умумтаълим мактабларининг ўқувчиларни қабул қилиш қуввати етарли эмас.
Аксарият мактабларга интернет кириб бормас.
Кўплаб таълим муассасаларининг кутубхоналари фаолиятини яхши йўлга қўйилмаган.
Мактабларнинг қарийб 40 фоизиди очик спорт майдончалари мавжуд эмас.
Ўқув дарсликлари етишмайди.
Тизим коррупциядан холи эмас.
Барча педагоглар ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб бера олмайдими.

Коррупция — тараққиётга тушов
Афсуски, бошқа тармоқларда бўлгани каби ушбу тизим ҳам коррупциядан холи, деб айтолмаймиз. Чунки соҳа ҳодимлари ва мутасаддиларининг коррупцион ҳолатлари бўйича ахборот манбалари орқали танишимиз. Лекин унинг илдизини йўқотишни нимадан бошлаш керак?
— Коррупция иллатлари таълим тизимига ҳам кириб бормас, — дейди А. Умаров. — Олдин мисол, мактабга фарзандини етказиб келган ҳар бир ҳодимга учта тамойилни ҳар қуни эслатиб бораёмиз, яъни шаффофлик, адолат ҳамда ҳалоллик тамойилларига ҳамма ва ҳар қуни риоя этиши керак.

Ўзгаришларга ўқитувчилар тайёрми?
Биламизки, таълим сифати фақатгина мактабларни қуриш, таъмирлаш, моддий-техника базасини яхшилаш, зарур ўқув-қўлланмалар билан таъминлаш билангина ўлганмайди. Албатта, ўқитувчиларнинг тажрибаси, билими, Соҳада газак отиб кетган муаммолар аста-секин ҳал этиляпти. Аммо уларга бир одам ёки бир ташкилот ҳаракати билан ечим топиб бўлмайди. Бунинг учун юқори органлардан тортиб, соҳа мутасаддилари, маҳалла фаоллари, ота-оналар, умуман, кенг жамоатчилик вакиллари ўзаро ҳамкорликда иш ўрнатиши лозим. Шундангина кутилган натоҳаларга эришиш мумкин.

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ЎЗМИЛЛИЙБАНК»
«NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ томонидан республикамиздаги бозорлар ҳудудига қуриб битказилган замонавий савдо мажмуаларини аукцион савдолари орқали сотишини маълум қилади.
Ушбу савдо мажмуалари намунавий лойиҳалар асосида қурилган бўлиб, барча қулайликка эга.
Дехкон бозорлари ҳудудига қурилган янги савдо мажмуалари тўғрисида маълумот
Т/р Туман номи Дехкон бозори номи Савдо мажмуасининг бошланғич баҳоси
1. Шуманай тумани Шуманай дехкон бозори 1,89 млрд. сўм
2. Эллиққалъа тумани Эллиққалъа дехкон бозори 3,61 млрд. сўм
3. Қонлиқўл тумани Қонлиқўл дехкон бозори 4,15 млрд. сўм
4. Хатирчи тумани Марказий дехкон бозори 3,49 млрд. сўм
5. Нурота тумани Нурота дехкон бозори 1,69 млрд. сўм
6. Қонимех тумани Қонимех дехкон бозори 1,52 млрд. сўм
7. Миршкор тумани Жейнов дехкон бозори 2,03 млрд. сўм
8. Шеробод тумани Шеробод дехкон бозори 4,20 млрд. сўм
9. Арнасой тумани Арнасой дехкон бозори 416,9 млн. сўм
10. Шароф Рашидов тумани Учтепа дехкон бозори 2,09 млрд. сўм
11. Зарбдор тумани Зарбдор дехкон бозори 2,44 млрд. сўм
12. Ховос тумани Ховос дехкон бозори 1,96 млрд. сўм
13. Бекобод тумани Зафар дехкон бозори 1,82 млрд. сўм
14. Олтинқўл тумани Оқтепа дехкон бозори 2,24 млрд. сўм
15. Қувасой шахри Қувасой дехкон бозори 1,27 млрд. сўм
16. Асака тумани Асака дехкон бозори 7,27 млрд. сўм
Имкониятни қўлдан бой берманг!
Батафсил маълумотни «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ сайти www.1kms.uz дан ва 71-228-80-23, 71-228-80-26, 71-147-71-86 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.
WWW.NBU.UZ
Хизматлар лицензияланган.

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги мева-сабзавотчилик йўналишидаги замонавий ҳамда инновацион лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун ҳамкорликда намойиш-тренинг майдонларини ташкил этиш бўйича таклифларини қабул қилади.
Кўшимча маълумотларни www.uzaisa.uz сайтидан олишингиз мумкин.
Маълумот учун телефон: 71-241-33-30.
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:
1. Ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси — кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, стажёр-ўқитувчи.
2. Халқаро муаммолар амалий таҳлили кафедраси — кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи.
3. Халқаро муносабатлар кафедраси — кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи.
Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мuddат ичига
Ташкил этиш бўйича таклифларини қабул қилади.
(Е-mail: kadrlar_bulimi@uwed.uz, телефон: 71-267-65-40)
манзилда қабул қилинади.
«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklama@mail.ru reklama@xs.uz
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди жамоалари маданият вазири Бактиёр Сайфуллаевчи Сайфуллаева турмуш ўртоғи
Адиба Мансуровна НОСИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳдор этади.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.
МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳах — С. Исломов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА акцияси — 23.00 Топширилди — 23.40 2 3 4 5 6